

Т. СУЛАЙМОН

Мен қайта  
борар  
бўлсам

ШЕЪРЛАР



ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
„ЁШ ГВАРДИЯ“ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ—1965



## СОЗЧИ ҚУШИҒИ

Олги ой әримас Оқтовнинг қори,  
Кўкида чарх урар қарчиғай, сори.  
Ўзига мос бўлса йигитнинг ёри,  
Бахтидан шод бўлса онайизори,  
Мақтовин келтирар сайроқ торим, ҳой.

Яхшилик бор ерда шай бўлган созсан,  
Тунлари тўлишган ой бўлган созсан.  
Ташна лаб, дилларга сой бўлган созсан,  
Не өзгу қуйларга бой бўлган созсан,  
Сайрасанг қолмагай нола, зорим, ҳой.

Таронам ошени — кенг пахтазорим.  
Булбуллар маскани — гулу гулзорим,  
Ўаҳонда тенги кам озод диёрим,  
Бу юртда бўлмагай нолаи зорим,  
Ватанга армуғон дилда борим, ҳой.

Армоним йўқ дўсту ўртоқлар билан  
Зап йигит-қиз — бахти барҳақлар билан.  
Меҳнаткаш — йўллари порлоқлар билан,  
Ғайрати дарёдай қайноқлар билан,  
Яшнагай шу улуг долазорим, ҳой.

## ҚУШИҚ ҚИЛИБ АЙТГУЛИК...

Ҳамон кезаман Чотқол тоғида жайрон янглиғ,  
Суқим кетган бу тоғнинг ҳар жилға, ҳар сойига.  
Ялпиздан болиш қилиб ҳам равочдан наҳорлик  
Қўнар бўлдим бу кеча Қарғасойнинг бўйига.

Қарғасойнинг бўйига қўндим қўлда тор билан,  
Сўлим жойга — сўлим куй, дилда ифтихор билан,  
Тонг чоғи Оҳангарон номини улуғлаган,  
Улкан завод томонга бордим долазор билан.

Бордим долазор билан Қичқие ёнбағрига  
Қуйида завод саси тутарди еру кўкни;  
Қудратини, ишини анов йилқичи йигит  
Таърифларди ўзича қўндириб бошга бўркни:

— Лентаси бир аломат,  
Бу на сир, на каромат!  
Буни қурган инженер  
Минг йил бўлсин саломат.

Тошни талқон — ун қилгай,  
Хоҳласа бутун қилгай.  
Ватанга истаганча  
Цементни тўкин қилгай.

Ҳали ўзи ёш завод,  
Чотқолга сирдош завод.

Бўйдор трубалари  
Осмонга туташ завод.  
Кўкиштош<sup>1</sup> кушандаси  
Ушбу завод бўлади.  
Гуркираб ишлаб турса,  
Тошни тарашлаб турса,  
Кўнглимиз тўқ, юртимиз —  
Яна обод бўлади.

Кўриб дилдан тан бердим бу заводнинг ишига,  
Ерни ларзага солиб шердай ўкиришига,  
Хар винтининг Луқмони инженер бардошига,  
Ларисадай ишчиси — бир қайрилма қошига...

Хамон кезаман Чотқол бағрида жайрон янгли,  
Кундузлар йўловчиман, оқшомлар кўноқловчи.  
Букун-чи? Тоғ-тош тилин билган завод ишчисин  
Кўшиқ қилаб айтулик номини сўроқловчи.

---

<sup>1</sup> Цемент шу тошдан қиллинади.

## САМАРҚАНД ТАЪРИФИ

Бугун ота юртим тупроғидаман,  
Униб-ўсган шаҳрим кучоғидаман,  
Қадимий маърифат ўчоғидаман,  
Мезбонлар йўқловчи сўроғидаман,  
Тоғошар бахшининг<sup>1</sup> синоғидаман...

Тириг-тириг дўмирам,  
Сўйла сиринг, дўмирам.  
Сенсиз сўз қуролмайман,  
Кўрмасам туролмайман.  
Кўшиғимнинг кўри бўл,  
Юрагимнинг жўри бўл,  
Чечану ноёб қизлар,  
Ойсанам, Офтоб қизлар,  
Толиб, Бекжон, Комиллар,  
Ўз ишига омиллар  
Торни сайратгин дейди,  
Дилни яйратгин, дейди.  
Яйратсам яйратайин,  
Сайратсам сайратайин.

Камонга ўхшайди кўкнинг гардиши,  
Одамзод биландир дунёнинг иши.  
Ерда қолмас дерлар кўпнинг олқиши,  
Кўшиқ яралгани — юрак болқиши,

---

<sup>1</sup> Равотлик Тоғошар шоир.

- Тоғларда нима кўп?
- Давон кўп, қир кўп.
- Бағрида нима кўп?
- Хазина — сир кўп.
- Қуёшда нима кўп?
- Ёруғлик — нур кўп.
- Бахшида нима кўп?
- Тугамас жир кўп.

Жонимга туташдир меҳринг, дўмбирам.  
Булбулни банд қилар сеҳринг, дўмбирам.

Буюк тоғлар кўкка бош урад, тўғри,  
Чўққисига лочин тўш урад, тўғри,  
Дарё сувин баҳор тоширад, тўғри.  
Инсон қадрин меҳнат оширад, тўғри.

Қайлигим сўзимга унаса эди,  
Мен билан далада тунаса эди,  
Меҳнат, садоқатда синаса эди,  
Севиб, севилишин тан олса эди...

Даб шиор ташлаган жўмард эрларнинг,  
Меҳри она юртга пайванд эрларнинг  
Гулхандай қизитган базмин, дўмбирам!  
Гоҳо шўх бўл, гоҳо вазмин, дўмбирам!

Ов сирини билмасанг,  
Тутув бермас суралай!  
Тўрғайдай бўзламасанг  
Ранжир кўзи қуралай.

Гурунг қизиқ келди, шай бўл, дўмбирам!  
Тузли-туман куйга бой бўл, дўмбирам!

---

<sup>1</sup> Урдакнинг бир тур.

Зомининг мусаллас, бўза, болини,  
Хумор кўзлаарининг юзда холини,  
Жиззахнинг чинор тут, мажнунтолини,  
Пахтакор элимнинг бахт-иқболини,  
Ё Бахмал кўшкларин кўркам бўйини,  
Ё чори, ҳисори, панжи қўйини,  
Ё Работ даштининг чоққир тойини,  
Ё Санзор бўйининг булоқ, сойини,  
Ё Каттақўрғоннинг ширмоё нонини,  
Ё Норпай бугдойи, Қўйтош қойини...  
Неки бор бу элда жами-жамининг  
Таърифин бирма-бир айт, жон дўмбирам,  
Куй сендан, мандан-чи, байт, жон дўмбирам.

Йўртоқ минмай йўрга минган  
Қорли тоғлардан ошгай.  
Бир ёқадан бош чиқарган  
Камол топиб курашгай.  
Зарафшоннинг сувин ичиб  
Қирғоғида тунасанг,  
Чалпиб-чалпиб белдан кечиб  
Қумлоғида тин олсанг,  
Инон, дўстим, дафтарингда  
Улап, кўшиқ қалашгай.  
Сўнг созингни қўлга олиб  
Тириглатсанг, ярашгай!

Зар сочувчи Зарафшонга таъзим қилгин, дўмбирам,  
Қайиқчиси билан бу кеч базм қилгин, дўмбирам.  
Гар чалқиса, тўлқинига тўш ургайман тойлоқдай,  
Равон оқса, илҳомланиб қайнагайман булоқдай... 3

Дара деб аталар тоғлар ораси,  
Тўқайни титратар шеринг наъраси.  
Еганда тил ёрар Форинг чареси,  
Бу ерда қолмоқнинг йўқми чораси?



Новқанинг неси бор? Тўқай, дашти бор.  
Кулоп, арқарларин юз хил пушти бор.  
Қарсак овловчисин омад, шашти бор.  
Бу ерда кезмоқнинг ажиб гашти бор.  
«Оқтов» қимиздан тўйгунигча ич!  
Ўзинг бошлаб, ўзинг қўйгунигча ич!

Қимиз тутди бўтакўз,  
Қониб-қониб симирай.  
Айрон тутса қуллуқ деб,  
Гул-гул ёниб симирай.

Қорақишлоқ кўпдан меҳримни тортар,  
Хавоси, сувига ҳавасим ортар.  
Шу юрда бир қиз бор кўксимни ўртар,  
Ҳар куни саломим тонг ели элтар:

«Ёр, кўчангдан ўтганимда  
Хуштак чалиб, гоҳ йўталиб,  
Гулгун ёниб, йўлларимга  
Чиққил укангни кўтариб».

Меҳнаткаш қизлари саодатга ёр,  
Заҳматкаш эрлари мақтагунча бор:  
«Бешқарсак»сиз ўтмас гаштаги, тўйи —  
«Оҳо якка», «Алёр»— қўшиқ тун бўйи.

Қирқ кокилли қизларини  
Жамолига тўймайман.  
Катта бўлса янгамсиз,— деб  
Шўхлигимни қўймайман...

Дара, увалари, яйлов, қўриғи,  
Жўмард чўпонларин тутган йўриғи,  
Қорабайирларин санам, тўриғи,  
Ёйилма бугдойи, Ургут ўриғи,  
Чеварларин бирам таърифи зўрки,  
Ҳаммаси-ҳаммаси бу элнинг кўрки!

Донғи Доғистонга кетган шаҳарим,  
Таърифи қуёшга етган шаҳарим!

Самарқанд, суқсурлар маконимисан?  
Е қўшиқ ўлкаси, ё конимисан?  
Е шоир ғазали, ё жонимисан?  
Е куйчи дармони — дostonимисан?

Бу сирни ўзингдан сўрай деб келдим,  
Не десанг мен шунга унай деб келдим,  
Жаҳонга таниғлик қадимий шаҳрим!  
Сени тилга олсам очилар баҳрим.

Самарқанд — кўз очиб туғилган юртим.  
Самарқанд — зуволам йўғрилган юртим.  
Муқаддас тузини оқла, дўмбирам!  
Фозиллар услубин сақла, дўмбирам!

## ХУШ КҮРДИК

Муборак йил боши дастурхонига —  
Етмиш икки таом — мезбон жонига,  
Меҳру оқибатнинг битмас конига,  
Яшарин тимсоли — арча ёнига  
Катта карвонларни хуш кўрдик.

Олқор табиатли оқиндай қувноқ,  
Дили дилимизга яқин ва иноқ,  
Кўнгли Олтинтошган сийнасидай оқ,  
Нафаси безавол, қадами қут, пок —  
Азиз меҳмонларни хуш кўрдик.

Туркистон тоғидай қорли, қояли,  
Чолларда не армон: ўғли зиёли;  
Мудом омонликда зеҳни, хаёли,  
Келини фидойи, қизи ҳаёли  
Катта карвонларни хуш кўрдик.

Очилиб, сочилиг мисоли лола,  
Булбул дард чекмасин, қилмасин нола.  
Кўлдан-қўлга ўтсин қирмиз пиёла,  
Йону жаҳонимиз сизга ҳавола,  
Ўзи жаҳонларни хуш кўрдик.

Улуғ айём — нозу неъматин билан,  
Номдор йиғит — олий ҳиммати билан,  
Хумой учиб кўнгай қаноти билан,

Бу қутлуғ кун кўпининг ҳурмати билан  
Шакар забонларни хуш кўрдик.

Базми қизитиб кўнгил овловчи,  
Нафис куйи билан дилни боғловчи,  
Саҳнада ўзини булбул чоғловчи,  
Хуш овози билан элни сийловчи  
Созчи, хушхонларни хуш кўрдик.

Туққан, туғишгандай дилкаш барингиз,  
Бехазон, бехатар куз, баҳорингиз.  
Элда улуғ бўлсин эътиборингиз,  
Тилагим: Қорбобо мисол қарингиз,  
Соҳиб давронларни хуш кўрдик!

## БОШЛАМА

Оху тонгни кутганидай баланд қоя устида,  
Азимлиги билан кўкка монанд қоя устида,  
Неча тунлар бедор бўлдим қут қўшиқнинг ишқида,  
Угам, Чотқол тоғларидай бут қўшиқнинг ишқида,  
Жуманбулбул таъбирича «Тераи терма» кўйида  
Дўстга дўстдай, ғанимларга қирон терма кўйида;  
Не бир қизлар қош-кўзига сурма ўлан йўлида,  
Қадринг билмас зот йўлига юрма ўлан йўлида.

Қут қўшиғинг ҳангомаси  
Шунча мушкул, ёпирай!  
Бут қўшиқнинг бошламаси  
Бунча мушкул, ёпирай!

Жон куйдирмай жононага етмоқлик йўқ, дегандай,  
Этик ечмай тошқин сойдан ўтмоқлик йўқ, дегандай,  
Йўлга чиқдик, энди йўлдан қайтмоқлик йўқ, дегандай,  
Не сир кўрсак, сир сақлари, айтмоқлик йўқ, дегандай,  
Тоғлар оша йўлга тушдим қўлга олиб созимни,  
Тўғри келса йўл-йўлакай тўйга улаб бавмни...

Санновчининг<sup>1</sup> яхши байт  
Ярашиғи, дегандай,  
Яхши қўшиқ кўзининг  
Қорачиғи, дегандай.

---

<sup>1</sup> Оҳангаронликлар бахшини санновчи дейдилар.

Қиз узатув бўлса бас,  
Тўйлаб ўтиб бораман.  
Бахтли келин тимсолин  
Ўйлаб ўтиб бораман.

Қайда ўзи Ойтуққан?  
Излаб кетиб бораман.  
Ўзимни сен деб, созим  
Сизлаб кетиб бораман...

Югрук кўнгил тоғларнинг  
Сирин билмоқ истайди.  
Ҳар гнѐҳ, ҳар тошини  
Куйга солмоқ истайди...

Овим ўнгидан келса,  
Тўлиб-тошиб қайтарман.  
Меҳрим қўшиб қўшиққа,  
Кўрганларим айтарман.

Қизлар кўз тутганидай  
Бахтга тобин кунгача,  
Совғанг бўлса сақлаб қўй,  
Сарвинозим, унгача...

## . БОЛДИЗИМ

Айланай, бодом қовоқ болдизим-ов,  
Ярқ этиб кўкда учган юлдизим-ов,  
Тўйингда ўйнаб-қулиб хизмат қилай,  
Дарёда ўйноқлаган қундузим-ов.

Бир кезлар меҳрим чексиз оширгансан,  
Улуғлаб номим, йўғим яширгансан.  
Ёнингга қўшиқ излаб келганимда,  
Кўкламда тошган сувдай тоширгансан.

Кўш ўрим бўлиб сочинг белга тушди,  
Мақтовинг еру кўкда тилга тушди.  
Сендай қиз нози билан соч силатиб<sup>1</sup>  
Қон-қардош қорақалпоқ элга тушди.

Кун кеча тиним билмас қизмасмидинг?  
Тегишиб хаёлимни бузмасмидинг?  
«Роҳат»га ўйнаб дурқун қизлар билан,  
Кечалар мажлис, базм тузмасмидинг?

Ранжима бу сўзимга, бовуримсан,  
Ёркиним, ёш юрагим, ҳовуримсан.  
Келинчак бўлиб бугун ўтиришда,  
Гулдираб, чароқлаган совиримсан.

---

<sup>1</sup> Тўй расмларидан.

Тўй қутлуғ, бахтли эрга эш бўлибсан!  
Менимча, улкан уйга бош бўлибсан.  
Меҳмон бўл энди бизнинг овулларга,  
Баркамол, ажаб қалам қош бўлибсан!



## ҚОР ХАТ

Эшик олди гулҳовуз, гул тергани келганмиз,  
Гулни баҳона қилиб, ёр кўргани келганмиз.

Кўшиқдан.

Қишдан дарак: бетиним лайлак қор ёғар эди.  
Қор ўйнамоққа дилда ҳавас уйғотар эди.

Биринчи қор ёғиши.  
Биринчи бор ёғиши.  
Ёғса ҳам зўр ёғиши.

Ҳамма ёқ оқлигидан гўё тонг отар эди,  
Кўкда қорга аралаш ҳулкар ҳам ботар эди.

Тўкма ердик шу кеча тенгқур йигитлар билан,  
Дўстга дўст-у, нодўстга ёвқур йигитлар билан.  
Уйин, чапак, не мақом... суҳбат авжида эди,  
Қай бирларин тилида Оққиз, Мавжуда... эди,  
Не-не сунбул сочилилар тилга олинар эди.  
Гоҳо кўшиқ, гоҳо куй — «Тўрғай» чалинар эди,  
Шоир Мамат торини тўрғайдай бўзлатарди.  
Санъатига офарин, кўш қилин сўзлатарди...  
Сафимизга келингиз, қавм аҳли зап йигитлар,  
Дўст бўлсанг дўст бўлгулик кўнгли офтоб йигитлар.  
Лочин сифат, дили пок қизларга боп йигитлар,  
Тутган йўли-йўриғи минг бир китоб йигитлар.  
Шулар учун бир умр мезбон бўлсам майлига,  
Минг бор тирилиб, минг бор қурбон бўлсам майлига.

...Гурунги баравж. Бир маҳал хат келтирди бир бола.  
«Қор хат!» — деди... Мен дедим: ўз сўзингда тур, бола.

Қор хат бўлса тўхтагин, кимдан ўзи, айт, дедим.  
Чиндан бўлса, ҳимматим, майли, билиб қайт, дедим.

Қайда! Қайтиб ҳам бўпти  
Елдай учди-да, кетди.  
Ўзим ўнглаб олгунча  
Селдай кўчди-да, кетди.  
Хатни ўқиб йигитлар  
Кулишди хохолашиб.  
«Бошлапти», «Туширишти»,—  
Дер эди хохолашиб.  
Кула-кула Ташқизнинг,  
Нафаси оташ қизнинг,  
Ҳар ишу ҳар борада  
Не қизларга бош қизнинг,  
Ой уялар қошида,  
Зап қайрилма қош қизнинг,  
Тўкислиги туфайли  
Суқсурга сирдош қизнинг,  
Тенгқурлари ичида  
Ўзи бир қуёш қизнинг  
Шарти огирмас, дерди.  
Талъат:  
— Дўстим ёш қизнинг  
Кўнглини қолдирмас, дерди...

Фақат уч-тўрт совада<sup>1</sup> қимиз тоқсанг бўлгани,  
Ҳар қултуми элгулик — тамиз тоқсанг бўлгани.  
Бўлсин деса «Чертмак»дан, равон чалсанг бўлгани,  
Уша кеч тунни тонгга улай олсанг бўлгани.

Қизларни шу тахлитда сийлай олсанг бўлгани,  
Ҳар бирови бир жаҳон... кута олсанг бўлгани,  
Чечанига «Қайтарма» айта олсанг бўлгани...

---

<sup>1</sup> Меш.

Яна кеч базм бўлди  
Қор хат баҳонасида,  
Бўлса ҳам азим бўлди  
«Ҳазил — чин» маъносида.

Дуркун қизлар бир тараф,  
Биз бир тараф.  
Қизлар мени қистайди:  
— Сиз бир тараф.  
Байт айтишда барчамиз  
Юз бир тараф.  
Мот қилишда анову  
Қиз бир тараф!..  
Бундай ажаб йиғинга  
Ким бетараф?!

Тоғлар кўрки қор билан,  
Карвон кўрки нор билан.  
Гуллола — баҳор билан.  
Бахши сози тор билан,  
Эр суюкли ёр билан.  
Мажлис бўйқизлар билан,  
Моҳи рўй қизлар билан  
Элга маъқул, дегандай,  
Дилга маъқул, дегандай,  
Бу йиғин сабабчиси,  
Бу йиғин талабчиси  
Тош лақабли қиз эди.  
Дили билан тили бир,  
Қошлари қундуз эди.  
Кўз деганинг бунчалик...  
Ҳа, Чўлпон юлдуз эди.  
Суйган йиғити учун  
Ҳар сўзи андиз эди,  
«Эшик олди гулҳовуз...  
Баҳона қимиз эди...»

## ТУЯБУҒИЗ

Осмонингда учар оққанот, ғозлар,  
Чуррак, ҳайдаркокил, ҳаққушу бозлар.  
Кўкинтой, оққулар — овози созлар...  
Шу ерда қишлар-у, шу ерда ёзлар.

Бепоён чолқорсан, қушлар кўлисан.  
Лайлак, оқ кўтоннинг қишлар кўлисан.  
Овчининг суралай ушлар кўлисан,  
Лайлак, оқ кўтоннинг қишлар кўлисан.

Сув омбори деган ажаб отинг бор,  
Азим дарё билан машғулотинг бор.  
Сокни, беғуборсан, файзу қутинг бор,  
Баъзан телбанамо аҳволотинг бор...  
Бағрингда оқ ғоздай сулув зотинг бор,  
Чанқоқ қир, далага мурувватинг бор.

Сайр этса этгулик Ойнайи кўлсан,  
Чўртан, тапга балиқ, наҳангга мўлсан.  
Қалқийсан, чалқийсан... чиройга бойсан,  
Мурватинг бураса оқишга шайсан.  
Банддасан. Йўқса сен саноқсиз сойсан,  
Атрофи сайилгоҳ — антиқа жойсан.

Машакка кўналга қора кечувинг,  
Қайиқчи жонига ора кечувинг.

Баҳри уммон мисол кўҳлигинг, денгиз!  
Ҳар ҳут такрорланар шўҳлигинг, денгиз!  
Оҳангарон келиб сенга қуюлар,  
Кундузларнинг бунда базми қурилар.  
(Кундуз эмас тунда базми қурилар.  
Бундай жойдан тун ҳам нари сурилар!)  
Қирғоғингда бу кеч қолмоқ истаيمان,  
Не сир, ҳикматинг бор, биламоқ истаيمان.  
Балиқ, балиқчига кон Туябўғиз!  
Қайиқчинг бўлайин ман, Туябўғиз!

## ҚОРА ОЛТИН УРДАСИ

Оҳангарон оғушида юрсам кўнглим очилар,  
Гоҳи туриб, гоҳи ҳориб, гоҳи дарё кечилар...  
Гоҳи булоқ сувларидан қониб-қониб ичилар.  
Қарабсизки, замзаманинг кўркам тўни бичилар:

Туман-туман қофиялар  
Мени ёз деб тизилар.  
Тўртин ёзсам, олтинчиси  
Ҳали оз деб тизилар.  
Оққа тушса яхши, йўқса,  
Мендан кўнгли узилар...  
Кўнглин узмам, ўртамизда  
Буюк давра тузилар!

Даврамизнинг кўрки, файзи Оҳангарон ўзингсан,  
То тонггача ҳам нашъали, кўмирга кон ўзингсан.  
Қора номдор шеринг билан дўст тутингим келади,  
Эркака пейдор эринг билан дўст тутунгим келади.  
Қора олтин ўрдасисан, қора норғил норинг кўп,  
Осмон эмас, ер остидан ўлжа излар сoring кўп.

Қора дедим, ранжимасин мендан ботир эрларинг,  
Ҳар наъраси бутун бошлиқ тоққа тотир шерларинг.  
Етти қават ер тагидан олиб чиқар шунқорлар,  
Ҳам ер ости сирларидан ғалиб чиқар шунқорлар.  
Кўмир зоти — нурга қиёс, топса бўлди конини,  
Қаҳратонда бобойларнинг «ҳай-ҳай ўт»и-жонини

Қора кўзнинг кўзларига  
Ухшатолдим тимсолин.  
Ширин сўзнинг сочларига  
Ухшатолдим тимсолин,  
Бўйқизларнинг қошларига  
Ухшатолдим тимсолин.

Қора қошли, оқ юзлига эш бўлсин деб то абад!  
Бахт, омади куёшдан ҳам пеш бўлсин деб то абад!

Оҳангарон, мақтовнингни  
Қай сўз билан айтайин?  
Айт-чи, ўзинг, қай маънога  
Бой сўз билан айтайин?  
Кел, созимнинг фармонига  
Шай сўз билан айтайин:

Боғларидан кетмас баҳор деганича бор шаҳар!  
Боғишамол қизларидай саодатга ёр шаҳар!  
Куздан тортиб баҳоргача кунга бетгай ўринг кўп,  
Неча минг йил хонамизни иситолар қўринг кўп.  
Шу туфайли сени дилга боғлиқ шаҳар, дейдилар,  
Кишилари униб-ўсган, ёғлиқ шаҳар, дейдилар.  
Меҳри элга гўё осмон чоғлиқ шаҳар, дейдилар,  
Уру қири какликка бой — тоғлиқ шаҳар дейдилар.

Дарҳақиқат, кўрпасойдай  
Тивик-тивик шаҳарсан,  
Тоғ бағрида Чўлпон сифат  
Ёниқ-ёниқ шаҳарсан.  
Ёйиқликда Кўлотадай,  
Жўшқинликда дарёдай —  
Соат сайин юксалиши  
Аниқ-аниқ шаҳарсан.

## ТОҒ ҚИЗЛАРИ

Поччамизни бу кеча базмда синаймиз деб,  
Алёр-алёр айтишиб, назмда синаймиз деб,  
Қайин юртим қизлари мени кўрмоқ истабди.  
Бу ишга бош бўлинг деб, янгамизни қистабди.  
Сездим қизлар жазмини: ажиб базм қилгудай,  
Ўрни келса, шўхи ҳам менга таъзим қилгудай.  
Садқа бўлсин жон майли бири эмас, барига  
Фақат айтар сўзим бор чанқовузи<sup>1</sup> бориға...

Мен ҳам қўлда созимни  
Чала олсам кошкийди.  
Салобати босмасдан  
Қола олсам кошкийди.  
Ўйинчисин ёнимга  
Қўндиролсам кошкийди.  
Шайнига бир сўз айтиб  
Дўндиролсам кошкийди.  
Оху кўзининг олдида  
Олдирмасам кошкийди.  
Кўнглин инжитиб, доққа  
Қолдирмасам кошкийди.

Қизитмоқ-чун даврани Сайди билан Санобар  
Бири тушиб ўйинга, бири чалди «Тановар».  
Ҳаё билан Ойқиз ҳам тол чивикдай буралар,  
Турсуной юз мақомда бўз тўрғайдай йўрғалар.

<sup>1</sup> Оғизда чалинадиган чалғу асбоби.



(Даричадан қай биров «Бир кўрсак» деб мўралар  
Чунки илож йўқ эди беш кетмасдан жўралар).  
Товус янганг товланиб чиқди Қумри ўртага.  
Бирпас турди «Жонон»ни билмайман деб жўрттага.  
Ақлим шошди, ёпирай, бу қизларнинг шўхлигин!  
Дўстим, сен ҳам кўрсайдинг бир-биридан кўхлигин!  
Рақ тинди, афтидан, айтишмоққа гал келди.  
Ял-ял ёнган қирмизи шокосада бол келди.  
Сарв қомат янгамиз, яъни қора қош келди.  
Бир қўлида гулдаста, бир қўлида ош келди.  
Билагининг оқлигин!.. Ҳали қиздан ёш келди.  
Садагаси кетсанг оз: яхши ишга бош келди...  
Сўзга жуйрук Жамъла бошлаб берди «Алёр»ни,  
Бўш келманг сиз ҳам дея бизнинг юзи холдорни.  
— Маърай-маърай қир ошган кўша-кўша қўймикин?  
Бўктаргининг макони увамикин, ўймикин?  
Эгиликнинг кечи йўқ, деганлари тўймикин?  
Почча, сизни ром этган ўша моҳи рўймикин?  
Жом тагида қолдирманг, алёр-алёр, ўдага!  
— Чилвир-чилвир сочингиз тарам-тарам, жон қизлар,  
Оғушингиз мисоли боғи Эрам, жон қизлар.  
Ширин сухан сўзингиз жонга ором, жон қизлар.  
Жомингизни олмасдан йўқдир чорам, жон қизлар.  
Қўлларимни толдирманг, алёр-алёр, садага.  
— Уруғ-аймоқ ардоқлар қатордаги норини,  
Эр йигитлар улуғлар жондан суйган ёрини.  
Ишга солинг бармоқда дўмбирангиз торини,  
Дилингизда неки бор, тўкиб солинг барини.  
Тунланганмиз бу кеча алёр-алёр айтгани.  
— Саратонда ярқирар қорли тоғлар қояси,  
Жон роҳати мезонда қўшчинорнинг сояси.  
Қўзларимга тўтиё кўзларингиз виёси.  
«Биров»ларга тегишли сўзларингиз қиёси.  
Ой ҳам ботиб боради рухсат беринг қайтгани.

<sup>1</sup> Давранинг каттаси.

— Сүфигүрғай чарх уриб қўнса кўздан йироққа.  
Чевар қизлар аксини туширолмас қуроққа.  
Сизни чечан дейдилар, сайқал беринг туроққа.  
Кўш ирғайдай эгилиб «биров» ёққан япроққа,  
Тарқалмасин базмимиз алёр-алёр тонгача.

— Сайқал берсам, сайқал берай,  
Юзи қордан оқ қизлар.  
Ҳайдар кокил, сунбул сочли  
Урта бўйли — чоқ қизлар.  
Суйганига олма отган  
Ё боши бўш — тоқ қизлар.  
Ишқ кўйида куйиб-ёнган  
Ёки кўнгли тўқ қизлар.  
Шунқорини бир кўрмоқдан  
Бошқа ғами йўқ қизлар.  
Сўз — ваъдаси ёлгонларга  
Ҳар киприги ўқ қизлар.  
Ошиқларнинг таъбирича,  
Бу борада ҳақ қизлар.  
Сийналари сувдан тиниқ,  
Алёрга ўч, шўх қизлар.  
Миннатингиз бош устига,  
Алёр-алёр, пок қизлар.  
Аҳдди бўлсин йўлдошингиз,  
Кўрмангиз фиоқ, қизлар.  
— Урта бўйли — чоқ... қиз, деманг,  
Уяламиз-эй.  
Кўлдан тушар шарбат тўла  
Пиёламиз-эй.  
Гар тўкилса қайта бошдан  
Қуёламиз-эй —  
Шарбат, болни сиздан қандай  
Қияламиз-эй.  
— Қулуқ, қизлар, қавмингичини  
Ардоқларман бир умр.

Бўлса пари-пайкарингиз,  
Сир сақларман бир умр.  
Берган қутлуғ тузингизни  
Ҳам оқларман бир умр.  
Номингизни саболардан  
Сўроқларман бир умр.

Тог-қизлари малоҳатин  
Нишонаси бу.  
Каминани бир кўрмоқлик  
Баҳонаси бу.  
Расми-русмин олижаноб  
Шаҳонаси бу.  
Садоқати бирла аҳду  
Паймонаси бу.

## КЕЛАДИ

Шунқорлардан сўз очсам,  
Жўшавергим келади.  
Достон устига достон  
Қўшавергим келади.  
Зарафшондай мавж уриб,  
Тошавергим келади.  
Қўшиқ айтиб тоғлардан  
Ошавергим келади.  
Созим туриб янги соз  
Йўнавергим келади.  
Булбул бўлиб ҳар боққа  
Қўнавергим келади.

Турсуной, сенга балли,  
Тутган йўлингга балли.  
Номингни тилга олсам,  
Жоним топар тасалли.  
Камолова Ойим қиз,  
Сўзлари мулойим қиз.

Довруғингни қўшиғу  
Достонга улайми, қиз?

Мелиқўзи, Назиртош,  
Бирн кўз-у, бирн қош.  
Ҳар иккисининг номи,

Жону дилимга уйқош.  
Шунқорлардан сўз очсам,  
Жўшавергим келади.  
Достон устига достон  
Қўшавергим келади.

## ГУЛ САЙЛИ

«Биз ёқда бошланди лола мавсуми,  
Наврўзи оламнинг заб табассуми...  
Келсанг, гул сайлига тезроқ етиб кел,  
Йўлни яқин қилиб қирдан ўтиб кел.  
Лола термоқликнинг гашти бор, гашти!  
Кел, сени кутади Болғали дашти!  
Келсанг ёлғиз келмай, ёринг билан кел.  
Дилкашларинг, қўлда торинг билан кел.  
Кел, сенга жонимиз, лоламиз пешкаш,  
Гиёҳлар ичида аъломиз пешкаш...»

Шу мазмунда хат олдим дўстим — тоғлиқ йигитдан,  
Ўзи чўпон, йил бўйи бели боғлиқ йигитдан.  
Хар қўзю қўйига дили боғлиқ йигитдан.  
Юзи сутга чайгандай, қизга қайлиқ йигитдан,  
Дўмбирачи, улфати — вақти чоғлиқ йигитдан,  
Йўлбарс сифат: йўлдоши — тани соғлиқ йигитдан.

Шундоқ экан, жон дея йўлга тушмай нетай мен?  
Дилда ҳаяжон билан қушдай учмай нетай мен?  
Бир мен эмас, мен каби баҳорни қутловчилар,  
Шеър кўйида бедорлар — саҳарни қутловчилар,  
Ўзгалликда лолага фарз қилгувчи қизлар,  
Гар лолага ўхшатсанг араз қилгувчи қизлар.

Сафар тараддудида гул сайли қилмоқ учун,  
Қай бир ғазалхонлари дил сайли қилмоқ учун.

Мен ҳам шулар қатори чечак, қўзиланинг,  
Гулхайрию тун гули — тамом ўзи доланинг  
Ҳар гунча, ҳар баргини куйга солсам не ажаб!  
Ота мерос торимни қўлга олсам не ажаб:

— Қизил лола — қут лола,  
Мисоли ёқут лола.  
Гул қадрини билмаслар  
Қошида беқут лола.

Оҳу лола, оқ лола,  
Қиёси йўқ — тоқ лола.  
Сиполиги сабабли  
Дилга ёвуқроқ лола.

Ана сенга тоғ чечак,  
Туриши бир боғ чечак.  
Япроғига ёз бўйи  
Туширмайди доғ чечак.

Бойчечагим, бойчечак,  
Сендан афзал қай чечак?  
Баҳор чоғи берасан  
Дарага чирой, чечак.

Туяпайноқ, бормисан,  
Зарғалдоққа зормисан?  
Ерга тўшаб баргингни  
Кунинг ўтказармисан?

Торғил лола — ол лола,  
Ўзи бир Зухал лола.  
Лекин холдор қизларнинг  
Қошида бир хол лола...

Биз ўн чоғлик қиз-йигит дарани кўриб қайтдик,  
Қимизликнинг бўйини сарвигга йўйиб қайтдик.  
Ой чиққанда қўноқлаб кўкка тутшиб қайтдик,  
«Гул сайли»га чўпоннинг номини қўшиб қайтдик.



## М У Н Д А Р И Ж А

Созчи қўшиғи . . . . .	3
Мен қайга борар бўлсам . . . . .	4
Дейдилар . . . . .	5
Қўшиқ қилиб айтгулик . . . . .	6
Самарқанд таърифи . . . . .	8
Хуш кўрдик . . . . .	13
Бошлама . . . . .	15
Болдизим . . . . .	17
Қор хат . . . . .	19
Туябўғиз . . . . .	22
Қора олтин ўрдаси . . . . .	24
Тоғ қизлари . . . . .	26
Келади . . . . .	30
Гул сайли . . . . .	32

*На узбекском языке*

**Тура Сулайманов**

ГДЕ БЫ Я НЕ БЫЛ...

СТИХИ

*Издательство „Ёш гвардия“ — Ташкент — 1965*

Рассом П. Воронкин  
Нашриёт редактори Н у р б е к  
Расмлар редактори К. Назаров  
Техн. редактор С. Еременко  
Корректор Ю. Муқимбоев

Босмахонага берилди 8/VI-1965 йил. Босишга рухсат этилди 24/XI-1965 й  
Формати 60×90<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л. 1,125. Нашр. л. 1,85. Шартли босма  
л. 1,125. Р-06077. Тиражи 15000. Шартнома 85—64.

„Ёш гвардия“ нашриёти, Тошкент,  
Навой кўчаси, 30.

ЎзССР Министрлар Совети Матбуот бўйича Давлат Комитетининг  
1-босмахонасида босилди. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. Заказ № 602.  
Баҳоси 9 т.